



Хорижликларнинг мамлакатимизга, халқимизга, унинг тарихи, маданияти, санъатига бўлган қизиқиши бениҳоя катта. Бу билан бировни қойил қолдираман десангиз, қаттиқ янглишасиз. «Катя Хиллебранд деган швейцариялик қиз бор. Шу билан бир суҳбатлашганимиз», дейишди. «Хўп» деди-у, ҳаёлимиздан «Бу ҳам учта-тўртта ўзбекча сўзни чала-чулла ёдлаб олган хорижликлардан бири бўлса керак-да», деган ўй келди. Лекин у билан учрашгач, иштибоқларимиз «ёввойи каптардай учди-кетди». Катя ўзбек тилида жуда раван гапирар экан. Шу боис тез тил топишиб кетдик.

РАЙХОНЛИ ЧОЙ

Халқимизда азал-азалдан хонадонларни турли хил хушбўй гиёҳлар билан безаш, ховлида уларни кўкартириш одатга айланган. Сўлим кўриниши, ёқимли ифодаси билан кишига хузур бағишлайдиган кўкатлар сирасига эса ошрайхон, хожрайхон ва садарайхонларни киритиш мумкин. Райхон кўкатлари қўшилган лаззатли, хушбўр таомлар шифобахш хусусияти билан ҳам фойдалидир. Райхонли чой хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Ушбу ичимлик киши иштаҳасини очиб, овқатнинг ҳазм бўлишини яхшилайдди. Райхон таркибидagi эфир мейларни сурункали меъда ялғиланшига, пешоб йўли касалликларига шифобахш таъсир этади. Йўталга малҳам бўлиб, қизмиқ асорати булганларга эмлик қилади. Шунингдек, буйрак, ковуқ, сийдик йўллари шамоллашида, тумов, муртақ безларнинг ялғиланши (ангина), беағз азиятнинг энгиллаштирилади. Райхонли чой қуйидагича дамланади: мўжазгина чойнакка 1 чой қошиқ микдорда кўк ёки қора чой, таъбага қараб 10 донагача райхон барги ташлаиб, устидан қайноқ сув қуйилади-да, бироз фурсат энгил аланга устида ёки чўг кўрида дам едирилади. Дамланган чойда эфир мейларининг энгил учиб кетмаслиги учун уни ҳадеб қайтарвериб таъсия этилмайди.

Маннон НАБИЕВ, доришunos.

НАВОЙНИ ТАРЖИМА ҚИЛГАН ШВЕЙЦАРИЯЛИК ҚИЗ

— Катя, аввало, ўзингизни таништирсангиз. — Швейцариянинг Цюрих шаҳрида яшайман. Ешим 26 да. Оилада кенжа фарзандман. Ота-онам нафақада. — **Илк бор Ўзбекистон ҳақида қачон эшитгансиз?** — 1983 йилда Цюрихга Ўзбекистондан бир ансамбл келган эди. Унинг концертига ўзим тушмаганман-у, тоғаларим тушишган эди. Менга жуда мақтаб гапирди. Шундан сўнг Ўзбекистоннинг санъатига бўлган қизиқишим орди. Юртингиз ҳақида китобларни титқилай бошладим. Маълумотим ошверган сари, қизиқишим ҳам орта борди. 1991 йилда илк бор сайёҳлик визаси билан мамлакатингизга келдим. «Минг эшитгандан кўра бир кўрган афзал» деганлари рост экан. Ўзбекистонни кўрдим-у, махлиб бўлдим-қолдим. Бир йилдан кейин яна келдим. Мени ўзбек санъати, тўғрироғи, ўзбек рақси шайдо этиб қўйган эди. Уни мукамал ўрганиш иштиёқи пайдо бўлди. 1994 йилда шундай имконият туғилди. Ва мен 1997 йилгача хореография би-

лим юртида ўзбек рақси сирлари Розия Каримова, Кундуз Миркаримова, Насиба Мадраҳимова каби устозлардан ўргандим. — **Ўзбек тилида жуда чиройли гапирар экансиз. Наҳотки, ўтган уч йил ичида шунчалик ўрганган бўлсангиз?** — Ҳа, билим юртида ўқиб юрган кезларимда ўргандим. Биласизми, тил ўрганиш учун, аввало, иштиёқ керак. Кейин ўша тилга меҳр ҳам зарур. Ўзбек тили жуда чиройли, жозибали. Шундан бўлса керак, ўта чанқоқлик билан ўргандим. — **Яна қандай тилларни биласиз?** — Яна немис, инглиз, форс-тожик, уйғур тилларида раван сўзлашаман. Француз тилида ҳам унча-мунча мулоқот қила оламан. — **Ўзбек адабиёти билан ҳам танишмисиз?** — Албатта. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиётини севиб мурола қиламан. Алишер Навоийни кўп ўқийман. Баъзи шеърларини таржима ҳам қилганман. — **Қайси тилга?**

— Немисчага. Бундан ташқари, Жалолоддин Румий, Хофиз, Машраб, Абдурахмон Жомийдан ҳам таржималарим бор. Умуман, Шарқ адабиёти тарихи жуда қизиқ. Тасаввуфни мушоҳада қилишга ҳаракат қиламан. Нажмиддин Комилонинг «Тасаввуф» китобини маза қилиб ўқийман. Умуман, тасаввуф Шарқ адабиётини тушуни олиш учун бир қалит вазифасини бажаради. — **Швейцарияда ҳам ўзбек рақсига қизиқувчилар кўпи?** — Жуда кўп. Мен тўғрақ ташкил қилганман. Бирталай мактаб ўқувчилари қатнашади. — **Уша ерда ансамбл ташкил қилсангиз бўлмайдими?** — Шундай ниятим бор эди. Лекин имконият чекланган. Чунки бунинг учун катта маблағ талаб қилинади. Биласизми, Швейцарияда ансамбллар давлат қарамоғида эмас. Ўзбекистонда ҳукуматнинг умуман санъатга бўлган эътиборини кўриб, очиги, ҳавасим ортди. — **Эшитишимча, Наман-**

ганда бўлиб ўтган универсиадага ҳам борибсиз. — Ешларнинг ҳақиқий байрами бўлди, у ерда Наманган ҳам менда катта таассурот қолдириди. Чиройли, гулларга бой шаҳар экан. Мен яна бу ерда «Сумалак» ансамблининг машқларида иштирок этдим. Умуман, Намангандан катта маънавий озиқа олиб қайтдим. — **Хозир репертуарингизда қандай рақслар бор?** — Ўзбекча, тожикча, афғонча, озорча, уйғурча. Шубҳасизки, ўзбек рақсининг олтин хазинаси ҳисобланмиш «Муножот», «Тановар»ни севиб икром этаман. — **Қайси ўзбек рақосаси сизга кўпроқ ёқади?** — Қизлархон Дўстмухамедова. Унинг рақсларида техника билан руҳият уйғулашиб кетган. Умуман, рақсларда шу икки нарса мўжассам топсагина, у тўлақонли санъатга айланади. — **Келгуси режаларингиз қандай?** — Хоразмга бориб, Хоразм рақсларини ўрганоқчиман. Яна ўзбек рақси тарихи билан ҳам чуқурроқ танишишни ниятим бор. Энг катта орзумим эса ўзбек халқи маънавиятини яқиндан ўрганиш. — **Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.**

«Халқ сўзи» мухбирлари Аскар ШОКИР, Нўмонжон МУHAMMADЖОНОВ (сурат) суҳбатлашди.

МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАСИ

Мавлоно Жалолоддин Румийнинг (1207-1273) «Маънавий. Маснавий» китоби бадий тафаккур тараққиётида инқилоб ясаган жаҳоншумул асарлардан биридир. Хозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида туғилиб, Қунёда боқий оламга рихлат қилган бу зот тафаккур ва урфон заминига энг тоза ва хушбўй гулларни битиб кетди. Яқинда «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош муҳарририяти томонидан Жалолоддин Румийнинг «Маънавий. Маснавий» қуллиёти биринчи жилд, биринчи китоби нашр этилди. Китоб «Гулистон» журнали кутубхонаси» сериясида, шоир Аскар Маҳмамининг форс тилидан қилган таржимаси асосида нашрга тайёрланди.

Мазкур таржиманинг асосий хусусияти шундаки, китобхон дастлаб-Маснавий» байтларининг асли билан танишади. Ундан сўнг байтнинг ўзбекча шеърый таржимаси келтирилади. Кейин эса бу байт кенг шарҳланади. Жилд тасаввуфшunos олим Нажмиддин Комилонинг «Румийнинг англаш иштиёқи», румийшunos олим Муртазо Биҳиштийнинг «Покиза Маснавий»-сига бир назар» ҳамда мавлононинг ўз китобига ёзган сўзи билан бошланади. Утган устозлар «форс тилидаги Қуръон» деб таърифлаган бу китоб инсон маънавияти ва маърифати тақомили йўлидаги энг порлоқ машъаладир. Сайёра ШОДИЕВА.



Advertisement for Tara cleaning powder. Features an image of a Tara detergent box and a lemon. Text includes: 'Tara BEHDAD CHEMICAL CO. КИР ЮВИШ ПОРОШОТИ', 'зангори зарралар', 'ва лимон эссенцияси аралашмаси', 'Оқартириб тозалаш хусусиятига эга ва ёқимли лимон ҳидини таратувчи янги кир ювиш порошоги.', 'Кийимингиз оҳорини узокроқ муддат сақлашга ёрдам беради.', 'Барча дўконларда, сотилади.', 'Tara - ОИЛАНИЗ УЧУН ТЕЖАМЛИ ВОСИТА.'

Advertisement for Tara cleaning powder. Features an image of a Tara detergent box and a lemon. Text includes: 'СУВ ОСТИДА 176 СОНИЯ', 'Италиялик Умберто Пеллизар сувга шўнғиш буйича ажойиб кўрсаткичга эришди. У 118 метр чуқурликкача шўнғиб, ҳеч қандай асосбосиз 2 дақиқаю 56 сония сув остида турган. Умберто сув остига тезроқ тушиши учун оғир юқдан, сув юзига чиқиб учун эса дам берилган баллондан фойдаланди, холос.', '411 ГРАММАН ШАФТОЛ', 'Бу ҳақда эшитганмисиз? Унда билиб олинг. 1984 йилда англиялик Д. Бёрд ўз боғидан умумий ҳажми 411 грамм бўлган улкан шафтолини узиб олган. Шуниси қизиқки, унинг шафтоли дарахти 26 йил давомида мўлкүл мева берган.'

«ХАЛҚ СҰЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИДИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ХОШИМОВ.
БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08; Аxbорот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 516, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.
Газета PENTUM-II компьютеризация теринди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — И. УТБОСАРОВ. Навбатчи — Н. ТОШЕВ. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВЕВ.
• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зийд материаллар қабул қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41.
Босишга топириш вақти — 21.00 топириши — 21.00 1 2 3 4 5 6

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ

хусусийлаштирилаётган корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш бўйича инвестиция савдолари ўтказилишини маълум қилади.

ИНВЕСТИЦИЯ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ:

- 1. Инвесторлар сифатида қуйидагилар иштирок этиши мумкин: - чет эл қонунлари асосида ташкил этилган ва фаолият кўрсатаётган юридик шахслар, ташкилотлар ва бошқа бирлашмалар; - давлатлар ўртасидаги шартнома ва келишувлар асосида ташкил этилган, халқаро ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
2. Инвестор сотиб олинаётган корхона (ёки унинг бир қисми) бутун қиймати баҳосини эркин муомаладаги чет эл валютасида тўлаши шарт. Тўловларни замонавий технологик жиҳозлар етказиб бериш ҳисобига ёки Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга ошириш Давлат тендер комиссиясининг қарори билан истисно тариқасида амалга оширилиши мумкин.
3. Сотувлар ва инвестицион мажбуриятларнинг бажарилиши шартлари қизиқиш билдирган, имконияти бор инвесторларга берилади.
4. Инвестицион савдолар амалдаги қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19 99 йил 26 ноябрдаги 511-сонли қарорида белгиланган тартиб бўйича ўтказилади.

Буюртмалар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» شوҳ кўчаси, 55,808-хона(қават), Хорижий сармояларни жалб қилиш бош бошқармаси. Тел.: 139-20-59, факс: 139-20-89, ички телефон 20-59.

Table with 6 columns: Корхоналар номи, Тармоқ, Минтақа, Ҳуқуқий манзилгоҳи, Фаолият тури, Савдо ҳиссаси. It lists various enterprises and their details.